







## Ислом Нури

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда кетаётиб бир жойга тушдик, у зотнинг жарчилари: «Жамоат намозига!» деб нидо қилиб қолди, у зотнинг ҳузурларига тўпландик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мендан аввал бирон пайғамбар ўтган бўлса, умматини улар учун яхши деб билган нарсага йўллаш ва улар учун ёмон деб билган нарсдан огоҳлантириш унга лозим бўлган. Ушбу умматнинг офияти унинг аввалида қилинди, охирида бало-имтиҳонлар ва сизлар ёқтирмайдиган ишлар келади. Шундай фитналар келадик, кейингисининг олдида аввалгиси енгил бўлиб қолади. Фитналардан бири келганда мўмин киши: «Шу мени ҳалок қилса керак» деб ўйлайди, кейин у барҳам топиб, бошқаси келганида: «Шунисида аниқ ҳалок бўлсам керак» дейди. Кимда-ким дўзахдан узоқ қилиниб, жаннатга киритилишини истаса, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда вафот қилсин. Одамлардан нимани кутса у ҳам одамларга ўшани берсин. Кимда-ким бир имомга (яъни халифага) байъат бериб, холис аҳд-паймон қилган бўлса, имкон қадар унга итоат қилсин. Агар бошқа биров келиб у билан (халифалик) талашса, унинг калласини олинглар».

### Шарҳ:

Исломда ҳокимнинг маҳкум билан бўлган алоқаси шариат томонидан белгилаб берилган, хоҳиш-ҳаволар, ҳис-туйғулар ва кимларнингдир шахсий манфаатлари таъсир ўткази олмайдиган қонун-қоидалар ва тартиб-интизомлар асосига қурилган. У – жамиятнинг ислоҳи нима билан бўлишини яхши билувчи Зот тарафидан қурилган алоқадир. Аҳлиссунна валжамоа ақидасида халифа ёки унинг ўринбосарига фақат яхши ишларда итоат қилинади, гуноҳ ишларга буюрса унга



## Ислом Нури

итоат қилинмайди. Ер юзида халифа бўла туриб унга байъат бермасдан ёки сабабсиз халифага қарши чиққан одам жоҳилият аҳли каби вафот этади. Яъни, итоат қилинадиган имом (халифа, амир) бўлмаган жоҳилият пайтидагилар ўлими каби ўлим топади. Бундан мурод айримлар ўйлаганидек кофир бўлиб ўлади, дегани эмас!

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Мусулмон киши ёқтирган ишларида ҳам, ёқтирмаган ишларида ҳам – Аллоҳга маъсият бўлмаса – амирга итоат қилиши шарт.
2. Ер юзида халифа тикланадиган бўлса унга байъат бериш фарз.